БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 61 (16.144) • 14 март 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

## ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Хонқа районидаги А. Навоий номли колхоз қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишни Хоразм областида биринчи бўлиб тамомлади. Бу иш ремонт ишларини ихтисослаштириш туфайли ўтган йилдагига қараганда 10 кун илгари тамомланди.

Колхоз ҳайдов тракторларини «Узсельхозтехника» Хива район бирлашмасининг устахоналарида, чопиқ тракторларини эса Хонқа бирлашмасининг устахоналарида кўкламга тайёрлади. Бу ерда механизациялаш юксак даражада йўлга қўйилган поток усулидаги ремонт жорий этилди. Колхоз устахоналари зиммасида майда ремонт, запас қисмлар тайёрлаш ишларигина қолди. Колхоз устахоналари бу ишларни муваффақиятли бажардилар.

Хўжаликда экиш билан шуғулланувчи уч группа тузилди. Ерларнинг шўрини ювиш ишлари тамомланмоқда. Колхоз деҳқонлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 1185 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар.

## РАСМИЙ АХБОРОТ

### ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

12 март куни совет раҳбарлари Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен шарафига Кремлда нонушта зиёфат бердилар.

Самимий ва бемалол вазиятда ўтган зиёфат чоғида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Финляндия Президенти У. К. Кекконен қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

### РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Словакия савдо министри Дезидер Гога бошчилигида Чехословакия Социалистик Республикаси савдо ходимлари делегацияси Узбекистон бўйлаб сафар қилмоқда.

Қардош Чехословакиядан келган меҳмонларни 13 март куни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қабул қилди.

Делегация аъзолари республика савдо министри Ғ. Ғ. Юсупов билан суҳбатлашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилаётган районларини, унинг бир қанча савдо корхоналарини бориб кўрдилар.

* * *

Греция Коммунистик ёшлари Марказий кенгашининг бош секретари Димитриос Гондикас бошчилигидаги шу ёшлар делегацияси Узбекистон ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда.

13 март куни делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов қабул қилди.

Греция Коммунистик ёшларининг вакиллари Тошкент тўқимачилик комбинатига бордилар, ёш тўқимачиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқдилар. (ЎзТАГ).

### ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ГУЛИСТОН, 13 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Область ижроия комитетининг раиси И. Кўчқоров меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1974 йилги ишлари тўғрисида ҳисобот берди. «СССР да меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида»ги Қонун областда қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот, социалистик қонунчилик ҳамда жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияларининг ҳисоботи тингланди.

# ПАРТИЯВИЙ ИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Партия — даврримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони! Ҳар бир коммунист Владимир Ильич Ленининг азиз сиймоси боқиб турган ва юқоридаги улуғвор сўзлари ёзилган янги нусҳадаги партия билетини олди. Республикадаги қарийб 15 минг бошланғич партия ташкилотида партия ҳужжатларини алмаштириш якунланди. Янги нусҳадаги партия билетлари барча коммунистларда қонуний ифтихор ва интернационалистларнинг улуғ ленинчи партиясига мансуб бўлганлик учун юксак масъулият туйғуларини жўш урдирмоқда!

Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари район, шаҳар, область партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилинди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми «Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари ва Узбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Партия ҳужжатларини алмаштириш, деб таъкидланди пленумда, коммунистларнинг ленинизм идеалларига чексиз содиқ эканлигини, партиянинг бузилмас бирлигини ва унинг Марказий Комитет теварагида монолит жипслигини яна бир бор яққол кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилинган «Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари тўғрисида»ги қарорида бу муҳим ташкилий-сиёсий тадбирнинг асосий якунлари умумлаштирилиб, партиямиз ташкилотчилик иши ва сиёсий ишнинг янги тажрибаси билан бойлиги, партия сафлари беқиёс жипслашганлиги, партиянинг омма билан алоқаси мустаҳкамланганлиги, унинг коммунизм учун собитқадамлик билан олиб борилаётган курашда совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи сифатидаги роли янада кўпроқ ўсганлиги алоҳида таъкидланди.

Шу нарса диққатга сазоворки, партия йиғилишларида, партком ёки партия бюролари мажлисларида КПСС Устави талабларини қандай бажараётганлиги, ижтимоий ҳаётда иштироки, партия топшириқларини бажариши юзасидан коммунистларнинг ахборотларини тинглаш яхши анъана бўлиб қолди. Кўпчилик партия комитетларида социалистик мусобақа илғорлари, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг ахборотларини тинглаш мунтазам тус олди. Бу ҳол илғор тажрибаларни умумлаштириб, кенг ёйишга имкон бермоқда, барча меҳнаткашларни илғорлар намунасида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда партия ташкилотларида ҳануз пассив коммунистлар борлигини унутмаслик керак. Янги нусҳадаги партия билетларини олган бу кишиларни кун сайин эътиборда тутиш, партия топшириқларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга амалий ёрдам кўрсатиш ғоят муҳимдир. Сўнгги икки йилда 80 мингдан зиёд коммунистга партия топшириқлари берилди. Шу билан бирга топшириқни қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш айниқса муҳимдир.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида 20 мингдан зиёд коммунист фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Уларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш самарадорлигини, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш масалалари илгари сурилди. Партиявий-ташкилий иш даражасини янада яхшилаш, социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш учун курашда бошланғич ташкилотлар ролини ўстиришга доир фикрлар билдирилди.

Партия комитетлари коммунистлар билдирган таклифлар, мулоҳазалар, истаклар асосида ўзларининг перспектив планларига кўпгина ўзгартириш киритдилар. Тошкентнинг Ҳамза, Октябрь районлари, Андижон областининг Избоскан район партия комитетлари партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида тўпланган тажрибаларни чуқур таҳлил қилиб, ундан ўз фаолиятларида кенг фойдаланмоқдалар. Шу нарса диққатга сазоворки, улар коммунистлар билан суҳбатлашувлар вақтида билдирилган таниқидий фикр ва мулоҳазаларни бажариш соҳасида қизғин иш олиб бормоқдалар. Партия сафларини илғор, ташаббускор, маънавий пок ишчи, колхозчи ва зиёлилар ҳисобига ўстиришга алоҳида эътибор берилаётир.

Партия аъзоларида ўз коллективидаги ишнинг ҳақиқий аҳволи учун масъулият уйғунлаштирилиши, меҳнат ва давлат интизомини бузиш, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги коммунистга хос бўлмаган ҳар қандай салбий ҳолат қизғин ва принципиал муҳокама қилиниши керак. Партия аъзоси деган номни эъзозлаш лозим. «Ижобий тажриба мустаҳкамлансин ва бу тажрибадан кенг фойдаланилсин, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Партия ҳужжатларини алмаштириш якунлари тўғрисида»ги қарорида, — намчиликларни йўқотиш чоралари кўрилсин ва шу асосда партиявий ишни янада такомиллаштириш таъминлансин». Партия комитетлари бу вазифани бажара бориб, ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларни бундан буён ҳам кучайтиришлари, коммунистларнинг активлигини ҳар томонлама ривожлантиришлари, партиявий интизомни мустаҳкамлашлари лозим.

Раҳбарлик ва бошқаришнинг чинакам партиявий услубини қарор топтириш, партия директивалари ва ўз қарорларининг ҳақиқий ижросини кун сайин ташкил этиш учун кураш партия комитетлари фаолиятининг мезони бўлиб қолди. Марксча-ленинча ўқиш, кадрлар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик, коммунистларни Ленин партиясининг қаҳрамонона тарихи, унинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш кучайтирилди. Демократик централизм принципи партия ҳаётида тўла-тўкис намоён бўлиб, партиянинг ички демократияси янада ривожлантирилди. Коммунистларда ўзаро талабчанлик беқиёс ўсганлиги ҳужжат алмаштиришнинг энг муҳим якуни бўлди. Бу ҳол бошланғич партия ташкилотларини ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаб, КПСС аъзоси деган юксак номни ва унинг аҳамиятини янада кўтариш, коммунистларнинг активлигини ошириш ва партиявий интизомни мустаҳкамлаш имконини берди. Назорат ва ижрони текширишни такомиллаштириш, принципиал таниқидий авж олдириш орқали коммунистларда, кадрларда топширилган иш учун масъулият кучайтирилди.

Бошланғич, цех партия ташкилотлари ишини тобора жонлантириш, уларнинг сиёсий-ташкилотчилик фаолиятини активлаштириш айниқса муҳимдир. Бу хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига партиявий таъсирни кучайтиришнинг зарур шартидир. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида тўпланган тажрибалар асосида бутун партиявий-ташкилий иш савиясини юксак даражага кўтариш КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тўқкизинчи беш йиллиқни муваффақиятли якунлаш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорларида қўйилган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг муҳим гаровидир. Улуғ В. И. Ленин сиймоси акс эттирилган партия билети совет жамияти авангард отрядининг барча жангчиларини ёрқин келажак учун собитқадам кураш олиб боришга, якунловчи йил муқобил планлари ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга руҳлантирмоқда.

1975 БЕШ ИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

# МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ— МУҚАДДАС БУРЧ



Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, дейди халқимиз. Ана шу ҳикматга амал қилган Қуйи Чирчиқ райони механизаторлари қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини тезлатмоқдалар. Экиш мавсумида ишлатиладиган агрегатлар муддатидан олдин ремонтдан чиқарилди ва кўрикдан ўтказилиб қўйилди. Бу ишларда райондаги илғор хўжаликлардан бири — «Ленинград» колхози механизаторлари пешқадамлик қилишмоқда. Ҳозиргача 70 комплект борона, 14 та чигит экиш селқаси, 43 та чопиқ, 7 та ҳайдов тракторлари мавсумга шайлаб қўйилди. Суратда: (чапдан) ёш механизатор Жаббор Айитбоев, бош инженер Кененбой Усмонов ва Хотам Ҳамроқулов ўртоқлар энг сўнгги агрегатларни созлашмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

*19 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни*

# ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Бухородаги Тельман номли трикотаж фабрикасининг беш юздан зиёд ишчи хотин-қизлари коммунистик шанбалик куни ўз дастгоҳлари ёнида бўладилар. Ўша куни 8500 та трикотаж буюм тикилади. Бундан тенг ярми йил бошидан буён тежаб қолинган хом ашё материалларидан тайёрланади. Мусобақа пешқадамлари 19 апрель куни иккитадан кунлик нормани бажариш мажбуриятини олдилар. Ўлардан ҳар бири иккита операцияни бир маҳалда бажариб, бунга эришишни мўлжалламоқда.

* * *

Сирдарё областининг пахтакорлари «Қизил шанбалик»да антиқатнашишга аҳд қилдилар. Область пахта тайёрлаш трестида тузилган «Қизил шанбалик» штаби 19 апрелни энг юқори меҳнат унумдорлиги кунига айлантиришга қаратилган тадбирларни белгилаб чиқди. Сирдарёдаги барча пахта тозалаш заводларининг коллективлари ўша куни 322 тонна юқори сифатли, тола, 40 тонна линт ишлаб чиқариш, 505 тонна чигитни тозалаш мажбуриятини олдилар. Ўша кунги ишлаб топилган маблағларни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

* * *

«Аму — Бухараканалстрой» иккинчи механизациялаштирилган колоннасидан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Владимир Шашкин бошчилигидаги арматурачилар бригадаси коммунистик шанбалик кунида икки нормани бажариш мажбуриятни олди. Қурувчилар «Юбилейная» насос станцияси қурилишида, каналнинг Шофиркондаги шохобчасида Бутуниттифоқ меҳнат байрамига тайёргарлик кўрмоқдалар. Е. Туробов бошлиқ бетончилар бригадаси одатдагидан 60 куб метр кўп — 300 куб метр бетонни канал ўзанига етқизадилар.

Шанбалинни ўтказиш штаби 19 апрель куни ишни одатдаги икки смена ўрнига уч сменада ташкил этишни планлаштирмоқда. Бу жумладан 27-монтаж бошқармаси коллективига тўрт метрли диаметрдаги қарийб 180 метр қувур ётқизиш имконини беради. Илгари бир кеча-кундуз давомида ҳеч қачон бунчалик иш ҳажмига эришилмаган эди.

## ХУШ ХАБАРЛАР

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

◆ Наманган ўрмончилари Марказий Фарғонада 2300 гектар майдонга саксовул ўтказиб бўлдилар. Ер танламайдиган бу дарахтлар кўчиб юрувчи қумларни мустаҳкамлаш ҳамда гармсел шамолларнинг кўлини тўсишда ёрдам беради.

◆ Ҳар бир соғин сигирдан февраль ойида 320 килограммдан сут соғиб олган Турдижон Меҳмонова — Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг сут соғувчиси биринчи бўлиб кўчма Қизил вимпел билан бирга Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб туристик сафарга чиқиш учун путёвка олишга муяссар бўлди. Наманган областидаги сут соғувчилар ўртасидаги социалистик мусобақа қоғиблари ҳар ойда иш якунларига қараб рағбатлантирилади. Мукофотни қўлга киритиш учун февраль ойида ҳар бир сигирдан камида 310 килограммдан сут соғиб олиш керак эди, мусобақанинг шартларига биноан сентябрь ва октябрь ойларида энг юқори кўрсаткичга эришиш кўзда тутилган. Ана шу ойларда ғолиб чиқиш учун ҳар бир сигирдан 410 килограммдан сут соғиб олиш керак.

◆ Қашқадарё область меҳнатчилари боғ ва токзорлар барпо этишга киришдилар.

Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли ва Усмон Юсупов номли совхозларда дастлабки мевазор боғлар яратила бошланди. Барвақт тайёрлаб қўйилган майдонларга мевали дарахт ва бута кўчатлари экилмоқда. Шу районда учта катта ихтисослаштирилган боғдорчилик совхози ташкил этилади, бу хўжаликларнинг мевазорлари Амударё суви билан суғорилади. (ЎзТАГ).

*ПАХТАЧИЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ*

# ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Самарқанд область, Пахтачи райони меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси кенг қулоч ёймоқда, колхозлар, совхозлар, районлар ички резерварларни қидириб топиб, пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сут, гўшт етиштиришни кўпайтиришга сафарбар этмоқдалар. Кўплар қатори бизнинг районимиз меҳнаткашлари ҳам бу ташаббусга якдиллик билан қўшилдилар, тўққизинчи беш йилликни катта зафарлар билан нишонлаш учун пахтачиликлар билан мусобақалашишга қарор қилдилар.

Ўтган йили районимиз бўйича ҳар гектар ердан 35,1 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Бу йил ҳосилдорликни 36,1 центнерга кўтарамиз. Бултур 49.605 тонна пахта тайёрланган эди, бу йил 51.000 тонна пахта тайёрлаймиз. Якунловчи йилда яллп ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олиб, 85 процент пахтани биринчи сортга топширамиз.

Районимиз пахтачиликни ривожлантириш ва теримни машиналаштиришдаги яхши кўрсаткичлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, шунингдек, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон Касаба союзлари Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг байроғини олишга муяссар бўлди. Районимиздаги «Ленинград» колхози ҳам шундай кувончли ютуққа эришди.

Районимиз меҳнаткашлари Пахтачи райони меҳнаткашларининг мусобақа боғлаш ҳақидаги чақириғини қабул қилар эканлар, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатадиган қуйидаги резерварларни ишга туширишни режалаб қўйдилар.

Ҳамма колхозлар ва «Малик» совхозида пахта ҳосилдорлиги оширилади. Жумладан, «Ленинград» колхози гектаридан 45 центнердан, Охунбобоев номли, Ленин номли колхозлар, «Малик» совхози 40 центнердан пахта хирмони кўтаради. Бошқа колхозларимизда ҳам ҳосилдорлик гектар бошига 3—4 центнер оширилади. Буни таъминлаш имконитини берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йили районимиз бўйича 2 бригада гектаридан 50 центнердан ҳосил олган эди, бу йил ана шундай бригадалар сони ўнтадан ошади. 40—50 центнердан хирмон кўтарган бригадалар сони 37 та эди. Бу йил уларнинг сафи тенгма-тенг кўпайтирилади. 27 бригада 30—40 центнердан пахта олган эди, бу йил ўша бригадалар 40—45 центнерлик маррани кўзлаб иш тутяпти. 30 центнер атрофида пахта етиштирган 94 бригада эса 35—36 центнердан пахта топширади. Шундай қилиб, нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш ялпи пахта миқдорини кўпайтиришнинг муҳим резерви бўлади.

Районимизда деҳқончилик маданиятини юксалтириш йўли билан ҳар қарич ер, ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Суғориш иншоотлари қайта тартибга солинмоқда, кераксиз мувақкат тармоқлари тугатилиб, экинзорга айлантирилмоқда. Йўлларнинг четлари, дарахтларнинг ости ҳам экин майдонига қўшилмоқда. Биз гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишини таъминлашни бош вазифа қилиб қўйдик, ҳар гектар майдонда 140—150 минг туп ғўза ниҳоли ўстирамиз, уни пахта йиғим-теримининг охиригача сақлаб қоламиз.

Пахтачилик ҳақида гап борганда агротехниканинг прогрессив усулларини қўллаш ҳақида яхши тадбирлар белгиладик. Бу йил 14 минг 141 гектар пахта майдонининг ҳаммасига чигитни кенг қаторлаб экамиз. Мавжуд техника воситалари шунга мослаб қўйилди ва сифатли ремонтдан чиқарилди. Пахтанинг «Тошкент-1» нави районимиз пахтазорларига мослашиб қолди ва юқори ҳосил бермоқда. Бу йил ҳамма майдонларга шу нав пахта чигитини экамиз. 7 минг гектар майдондаги ғўзаларни машиналарда чеканка қиламиз.

Бутун куч, техника воситаларини ишга солиб, 51 минг тонна пахта етиштирамиз. Бу пахтачиликларнинг ташаббусига бизнинг амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Районимизда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Мисол учун дон етиштиришни олиб кўрайлик. Якунловчи йилда дон етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 1,7 марта кўпайтирамиз. Бунинг учун ҳар гектар ердан ўртача 48 центнердан ғалла хирмони кўтарамиз, гектаридан олинадиган маккажўхори донини эса 75 центнерга етказамиз. Давлатга ҳар қачонгидан кўп шоли етказиб берамиз.

Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Пахта — беда almашлаб экишни кенг жорий этиш йўли билан сут, гўшт ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга мустаҳкам замин яратамиз. Ҳар гектар ердан 120 центнердан беда ҳосили олишни планлаштирдик. «Малик» совхозида маккажўхори ва бедадан айниқса юқори ҳосил олинмоқда, бу хўжаликнинг бой тажрибасини барча хўжаликларнинг мулкига айлантирамиз.

Чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Наслли сигирлар, қўйлар, чўчқалар, парранделар сони кўпайтирилмоқда, чорвачилик комплекслари ва фермалардаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар тобора кўпроқ машиналаштирилмоқда. Фан-техника ютуқлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига дадил жорий этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси якунловчи йилда районимиз бўйича гўшт тайёрлашни ўтган йилдагига қараганда 15 процент, сутни 14 процент, тухумни 5 процент кўпайтириш имконияти беради.

Дала меҳнатчилари сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ўзи улкан режалар белгиладилар. Бу йил сабзавот тайёрлаш бултургидан 1,9 марта, полиз маҳсулотлари 2,4 марта оширилади.

Районимиз меҳнаткашлари ана шундай юксак мажбуриятлар қабул қилиб, баҳорги дала ишларини қизғин бошлаб юборишдилар. Яқин кунларда пахта ерларини бороналашга киришамиз. Маҳаллий ўғит тўплаш, минерал ўғитларни ташиб олиш авж олдирилмоқда. Ҳайдов, чопиқ тракторлари, сеялкалар шайлаб қўйилди. Механизатор кадрлар курсларда ўқитилиб, малакаси оширилди.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини дала меҳнатчилари орасида социалистик мусобақани кучайтириш, белгиланган кунлик иш графикларини тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашга қаратмоқда. Социалистик мусобақа майдонда дўстона куч синаш демакдир. Районимиз меҳнаткашлари мусобакада пахтачиликлар билан тенглашиш учун астойдил меҳнат қиладилар.

**М. КАРИМОВ,**
**Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари.**

# МЕҲНАТ БАҲОРИ БОШЛАНДИ

«Ленинизм» колхози деҳқонлари ҳам бутун совет халқи каби КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тўқкизинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарорини баланд рух билан кутиб олдилар. Хўжалик аҳли партиямизнинг ана шу даъватига амалий иш билан жавоб бериш учун зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Ўтган юбилей йилида 1360 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, 1975 йилда бу рақам 40 центнерга етказилади.

Колхозда 50 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Рихсибой Шофайзиев бошлиқ 2-бригада, Омонқул Ҳайитқулов етакчилигидаги 10-бригада, Тўра Жаниссбоев бошлиқ 9-бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақага қўшилиб, 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилаётирлар. Хўжалик эса «Партия XXI съезди» колхози билан мусобақалашган. Колхоз партия комитети КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳар бир меҳнаткашнинг зиммасига юклатилган ишга юксак масъулият ва онгли муносабатда бўлишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Шу боисдан ҳам хўжаликнинг баҳорги ишлари кўнгилдагидек ташкил этилган. 30 нафар механизатор барча техникани ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйган. Ариқ-зовурлар ҳам тозалаб бўлинди. Далаларга ҳозиргача 8300 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

40 центнерлик маррани кўзлаб, баҳорги ишларни қизитаётган Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари амалга оширилаётган ишларнинг пухта ва сифатли бўлишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

**Ж. МАҲМУДОВ,**
**А. МАННОПОВ.**
**Тошкент области.**

### «КОСМОС-719» ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

1975 йил 12 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-719» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

### УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, 1975 йил 13 мартда оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ Раиси, 1929 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Абдураззоқ **Мавлонов** вафот этди.

# ПАРТИЯ БИЛЕТИ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

## КОММУНИСТ — ПАРТИЯ ЖАНГЧИСИ

### ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Мен — коммунистман. Улуғ Владимир Ильич Ленин тузган шонли партиянинг оддий аъзосиман. Бу ном билан фахрланаман. Район партия комитетидан кандидатлик карточкасини олиб корхонага келган кунимни ўша онларнинг ҳаяжонини бир умр унутмайман. Ҳамиша, ҳамма ишда бу улуғ номга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Бу масъулият туйғуси қалбим тўрида сақланаётган партия билетини ҳис қилганим сари ортади.

Дарҳақиқат, партия аъзосининг коллектив олдидаги масъулияти беқиёс. Турмушда ҳам, ишда ҳам у лоқайд қарайдиган масалалар йўқ. Коммунист ҳамма нарса учун масъул ва жавобгардир. Бу ҳиссиёт уни ҳамиша олдинда бўлишга, шахсий намуна кўрсатишга даъват этади. Мен тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш учун курашга қўшилган эдим. Кўп ўтмай ҳамкасбим коммунист Замира Саидхўжаёва ҳам шундай мажбурият қабул қилди. Шаҳар саноат корхоналарининг 600 дан ортиқ ишчиси бу ташаббусга қўшилди. 33 та бригада аъзолари коллектив равишда шундай ҳаракат бошладилар. Бу нарса мени янада унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда.

**Санобар МУИДИНОВА,**
**Андижон трикотаж фабрикасининг ишчиси.**

### ЮКСАК НОМ

Ҳали-ҳали эсимда: Мени КПСС сафига қабул қилишларини сўраб берган аризам бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилмоқда эди. Ўшанда кекса коммунистлардан бири: «Ҳозир сени партия сафига қабул қилаётирмиз, қўлингга партбилет оласан. Шуни унутмагинки, партия билети энг муқаддас ҳужжат. Унга муносиб бўл. Ўрнинг олдинги сафда бўлсин. Секундларни тежаб, йилларни жамғар», — деган эди. Бу ўгитни яқинда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро мажлисида ўтириб эсладим. Биз — бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариб қўйган бир группа коммунистлар Марказкомга ҳисобот бермоқда эдик.

Мен мажбуриятимни бажариш учун тинмай изландим. Уч ўрнига олти станокда ишлай бошладим. Шунда ҳам қаноатланмадим. Устозлар ўгитини эслаб, дақиқаларни тежашга интилдим. Кўксимдаги партия билети шунга даъват этади.

Беш йилликнинг ўтган муддати ичида 70 минг метр хонатлаз тўқиб, икки беш йиллик планни бажардим. Йил охиригача яна 20 минг метр атлас тўқийман.

**Абдубаннон УМАРОВ,**
**Марғилон «Атлас» фирмасининг тўқувчиси.**

### ЕТАКЧИ ВА ТАШАББУСКОР

Корхонамизда шундай анъана бор: қаерда мураккаб вазият вужудга келса, партия ташкилоти даставвал коммунистларга мурожаат қилади. Шунда улуғ Ильич сиймоси туширилган партия билетларини кўксида ардоқлаб сақлаётган партия аъзолари енг шимариб ишга киришадилар. Шахсий намуналари, ташаббускорликлари билан бошқаларни ўзларига эргаштирадилар. Кишилардаги иккиланиш, ишнинг муваффақиятига шубҳа баҳор булутидек тарқалиб кетади ўшанда. Уларда ишнинг натижасига ишонч, олдинда бўлиш умиди пайдо бўлади. Кишилар янгича ғайрат, янгича шижоат билан меҳнат қила бошлайдилар.

Заводимиз 16 минг 452 центнер балиқ тутиб, беш йилликни тўрт йилу икки ойда бажарган экан, бунда коммунистларнинг ана шу руҳлантирувчи ибрати муҳим ўрин тутди, албатта. Мен ҳозиргача минг центнерга яқин балиқ топшириб, ўнинчи беш йилликка мўлжалланган планимни ҳам бажариб қўйдим. Таласбой Муратов, Қалбой Отамбетов, Қўнисбой Худойбергенов, Исоқ Оразимбетов сингари касбдошларим ҳам меҳнатда шижоат кўрсатишаётир.

Бунда уларга партия билети руҳ, ғайрат бағишлайди, мадад беради. Шунинг учун партия билетини коммунистлар ҳамиша ардоқлаб сақлайдилар. Ҳар қандай шароитда унга содиқ қоладилар.

**Боймурод ТОРЕНОВ,**
**Мўйноқ балиқ заводининг ишчиси, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати.**

### ОЛҒА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Мен 1971 йил баҳорини ҳеч қачон унутмайман. Ўша унутилмас 30 март куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида партия XXIV съезди иш бошлади. Мен унинг делегати эдим. Съезд мажлисларида иштирок этаётганимда қалбимда ўзгача бир ҳаяжон жўш урарди. Оддий деҳқон фарзандининг бундай буюк анжуманда иштирок этиши, партия ишларини, улуғвор режаларни ҳал этиши нақадар бахт, ахир! Бунга ўзим аъзо бўлган улуғ Ленин партияси туфайли эришдим. Шунинг учун аъзолик мандатимни — партия билетини ҳамиша ардоқлаб сақлайман. Бу билет мени меҳнатда олдинда бўлишга ундайди. Ўтган йили қадбим — партбилетим даъвати билан бутун имкониятларни ишга солиб меҳнат қилдим, мавсумда бункердан 729 тонна «оқ олтин» тўкдим.

Илҳомбахш режаларни рўёбга чиқариш учун шахсий ҳисса қўшиш ҳар бир коммунистнинг бурчидир. Мен ҳам бу йил 800 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олганман. Уни, албатта, бажараман. Чунки коммунистнинг сўзи билан иши ҳамиша бир. Кўксида сақлаётган партия билети коммунистни ҳамиша олға чорлайди.

**Бобошер ШОВҚИЕВ,**
**Самарқанд область, Пахтачи районидаги Калинин номли колхоз механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати.**

**«ПАРТИЯ ДАВРИМИЗНИНГ АҚЛИДРОКИ, ШОН-ШАРАФИ ВА ВИЖДОНИДИР». Доҳий Ленининг меҳрибон сиймоси ва коммунистик партия ҳақида айтган ана шу улуғ сўзлари янги нусхадаги партия билетида акс эттирилган. Янги нусхадаги биринчи номерли партия билетига доҳийнинг табаррук номи ёзилди. Бу эса ҳар бир коммунистни жамиятимизнинг етакчи ва йўналтирувчи кучи бўлган улуғ Ленин партиясининг актив жангчиси бўлишдек шарафли ва муқаддас ишга чорлайди.**

**Янги нусхадаги партия билети республикамиздаги барча коммунистларга берилди. Улар бу юксак ишончни меҳнатда, турмушда ва ўқишда бошқаларга намуна бўлиш, ишлаб чиқаришда авангардлик қилиш, юксак ташаббускорлик ва интизомлилик билан жавоб бермоқдалар. Коммунистлар ўз юраклари устида авайлаб сақлаётган КПСС аъзолигига мансублик ҳақидаги партия билетлари уларни ана шунга даъват этмоқда.**

**— ПАРТИЯ БИЛЕТИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШИНГИЗГА, ҲАР ДОИМ УНГА МУНОСИБ БЎЛИШИНГИЗГА, ҲАМИША КОЛЛЕКТИВ ЎРТАСИДА АВАНГАРДЛИК ҚИЛИШИНГИЗГА ИШОНАМИЗ!**

**Ҳар бир киши КПСС аъзолигига қабул қилиниб, биринчи марта унга партия билети топширилаётган ҳаяжонли дақиқаларда эшитган мана шу сўзлар унинг ёдида умрбод сақланиб қолади. Ушбу суратлар ана шундай ҳаяжонли дақиқаларда олинган. Суратларда (юқорида) 1944 йилда биринчи Белоруссия фронтида жангда қаҳрамонлик кўрсатган жангчига партия билети берилаётган пайти. Пастдаги суратда Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашевнинг Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ишчиси В. Оплачко ва «Узсельхозтехника» тажриба — ремонт механика заводи бригада бошлиғи Т. Мирзаевга янги нусхадаги партия билети топшираётгани акс эттирилган.**

## ЭНГ МУНОСИБ КИШИЛАР — ПАРТИЯ САФИГА

## МУЪТАБАР ВА ПОК БИЛИБ

Корхонамиз бошланғич партия ташкилоти йиғилишида КПСС аъзолигига кандидат Тамара Қурбонованинг партиявий бурчга мунособати ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинаётган эди. У коммунистларнинг берган саволларига шаҳдам-шаҳдам жавоб қайтарди. Коммунист Бобоқул Маъқуловнинг «Сиз кандидатлик карточкасини қандай сақлаяпсиз?» деган саволига жавобан Тамара Қурбонова кўкрак чўнтагидан партия аъзолигига кандидатлик гувоҳномасини олиб, боши узра баланд кўтариб кўрсатди. Унинг кандидатлик карточкаси беғубор ва яхши сақланган эди.

Бобоқул Маъқуловнинг ёш коммунистга берган саволи партия йиғилишида иштирок этаётган кишиларни сира ҳам ажаблантиргани йўқ. Чунки бизда ўтадиган йиғилишларда ёшларга қарата ана шундай саволлар бериш одат тусига кириб боряпти. Партия билетини коммунист деган улуғ ном сингари ҳамиша пок сақлаб, ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлаш ҳар бир коммунистнинг шарафли бурчи эканлигини барча партия аъзолари ҳам чуқур ҳис этадилар.

Бизда ёш коммунистлар кўпчиликни ташкил қилади. Ана шу сабабли партия ташкилоти уларни ғоявий-сиёсий чиниқтириш, активлиги ва ташаббускорлигини оширишни ўз фаолиятининг марказига қўймоқда.

Фабрикамизда партия сафига кириш учун тайёргарлик кўраётган энг муносиб ва актив ишчи ва хизматчилар билан алоҳида иш олиб бориш, улар билан суҳбатлар ўтказиш, жамоат топшириқларини бериб, уларнинг сиёсий етуклиги, коллектив иши учун жонкуярлиги ва ишчанлик савиясини синаб кўриш одат тусига кирган. Кекса ва тажрибали коммунистлар партия сафига кириш учун тайёргарлик кўраётган ёшларни ўз оталиғига олиб, улар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар. Бундай суҳбатлар пайтида уларга партия билетини коммунист деган улуғ ном каби кўз қорачиғидай пок ва беғубор сақлаш зарурлиги ҳам уқтирилади.

Партия йиғилиши ва партком мажлисларида ёш коммунистлар ҳисоботи ёки ахборотини эшитиб, муҳокама қилиш, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш, уларнинг тақдири билан мунтазам шуғулланиш, камолотини кузатиб бориш йўлга қўйилди. Ҳозир бошланғич партия ташкилотида коммунист ҳисоботини эшитиш ёш коммунистлар учун тарбия мактаби ролини ўтамоқда.

Яқинда шундай бўлди: КПСС аъзолигига кандидат Ҳабиба Ашраповнинг комсомол маорифи системасидаги пропагандистлик фаолияти юзасидан ҳисоботи партия йиғилишида муҳокама қилинди. Ҳ. Ашраповага бу топшириқ у партия аъзолигига кандидатликка тайёрланаётган даврида берилган эди. Йиғилишда унинг пропагандистлик соҳасида тажриба ва малака тўплагани ва комсомол маорифи системасида энг яхши пропагандист бўлиб танилгани алоҳида таъкидланди.

Бошланғич партия ташкилоти ёш коммунистларга доимий ёрдам ва ғамхўрликни таъминлаш мақсадида тажрибали партия аъзоларининг ёшларга мураббийлик ёрдамини ҳам кучайтираётир.

Бобоқул Маъқулов ана шундай мураббий коммунистлардан бири. Йигирувчи Моира Жўраева унинг тавсияномаси билан КПСС аъзолигига қабул қилинган эди. Б. Маъқулов ҳозир ҳам ўз шогирди ҳақида ғамхўрлик қилиб унга малака ошириш ва илғорлар тажрибасини ўрганишда ёрдам беряпти. Моира Жўраеванинг беш йиллик юзасидан шахсий топшириғини муддатидан илгари бажарганлигида устоз коммунистнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Тамара Қурбонова, Анна Мельник, Ёдгор Султонов, Иноят Жўраев, Зевар Баратова, Зайнаб Шодмонова, Мухтор Полвонов, Фаина Нодирхонова каби ёш коммунистлар ҳам ўзларининг меҳнат ва ижтимоий ҳаётдаги муваффақиятларига партия ташкилоти фаолиятида актив иштирок этаётганлари, кекса коммунистлар бераётган доимий ёрдам натижаси деб билмоқдалар.

Коммунист улуғ ва шарафли ном. Фабрикамизда ана шу улуғ номга мушарраф бўлиб, партия билети олаётган кишилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар меҳнатда ҳам, турмушда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб, ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқламоқдалар. Фабрика бошланғич партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорларига жавобан коммунистларнинг меҳнат коллективидаги авангардлик роли ва активлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашдаги жонбозлигини янада кучайтирмоқда.

**Рисолат ҲАҚБЕРДИЕВА,**
**Бухоро пиллакашлик фабрикаси бошланғич партия ташкилотининг секретари.**



ЛЕНИНЧА ЯШАЙМИЗ, ЎҚИЙМИЗ ВА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

## ЯНГИ ДОВОНЛАР

Қўлимда улуғ доҳий В. И. Ленин сиймоси акс эттирилган янги комсомол билети. Унинг ранги қизил. Биз — ёш авлоднинг бахтли турмуши деб курашларда қурбон бўлган оталаримиз юрак конидек қип-қизил. Ғолиблик байроғидай олранг. Комбинатимиз комсомоллари Андижон шаҳрида биринчи бўлиб янги нусхадаги комсомол билетини олишга муяссар бўлганликлари билан чексиз фахрланадилар.

Комбинатимизда комсомол ҳужжатини алмаштиришга тайёргарлик йили зарбдор йил деб эълон қилинди. Ҳар бир комсомол аъзоси «Ленинча яшаймиз, ўқийміз ва меҳнат қиламиз» деган шиор остида меҳнат қилиб, турмушда ҳам, меҳнатда ҳам бошқаларга ўрнак кўрсатишни ўзларининг кундалик вазифалари деб билдилар. Социалистик мусобақада ёш ишчилардан Венера Жўраева, Одил Ғофуров, Анна Картошева, Валентина Марченколар ғолиб чиқишди. Улар ҳозир тўққизинчи беш йиллкнинг сўнгги ойлари учун маҳсулот тайёрламоқдалар. Корхонадаги 110 комсомол аъзоси шу кунларда якунловчи йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилиб, беш йиллик зарбдорлари деган фахрий ном эгаси бўлдилар. Андижон шаҳар комсомол комитети биринчи бўлиб янги нусхадаги комсомол билетини ана шу ишлаб чиқариш зарбдорларига топширишга қарор қилди.

Қўлимизда Ленин сиймоси акс эттирилган янги билет. У бизни оталаримиз изидан бориб, улар бошлаган ишни давом эттириш, улар бошлаган курашни поёнига етказиш учун янги довонларга чорламоқда.

**Фахриддин ҚАМБАРОВ,**
**Андижондаги ёғ-мой комбинати комсомол комитетининг секретари.**

## АВЛОДЛАР САДОҚАТИ

### АДОЛАТ

— 1920 йилда Коммунистик партия сафига кирдим. Партия билетини ола туриб, революция ишига ҳамиша содиқ бўлиб қолишга қасамёд қилган дақиқаларим ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. 1920 йилнинг февралида Хива хонини тахтдан тушиردик. Халқ революциясини амалга оширишда қатнашганлигим билан фахрланаман...

Бу сўзларни 1920 йилдан КПСС аъзоси Жуманиёз ота Эшмуҳаммедов айтди. Ҳа, ҳонқалик этикдўзнинг ўғли Жуманиёз ўз тақдирини Ленин партияси билан боғлаганидан буён эллик беш йил ўтди.

«Биз адолат учун курашганмиз!» — деб қўяди отахон ғурур билан. Бу бежиз эмас. 1920 йиллардаги кескин синфий кураш жараёнида унга масъулиятли вазифа топширилди. У Хоразм Халқ Совети Республикаси олий суди раиси қилиб тайинланди. Ж. Эшмуҳаммедов меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилиш, синфий душманларга муросасиз бўлиш, одил судловни амалга ошириш борасида катта иш қилди. Босмачилар, фитначи душманлар устидан ўтказилган суд ҳужжатларида Олий суд раисининг имзоси бор.

Биринчи судья кейинги йилларда суд органларида, давлат идораларида самарали хизмат қилди. 1961 йилдан буён шахсий пенсионер. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари унинг хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Ота ҳозир саксон икки ёшда. Кекса коммунист жамоат ишларида фаол қатнашаётир. Хонқа район партия комитети қошидаги партия сафига қабул қилиш, коммунистларнинг шахсий партиявий ишларини олдиндан кўриб чиқиш штатсиз комиссиясининг аъзоси. Уни коммунистларнинг анжуманларида, ёшларнинг давраларида тез-тез учратасиз.

Ленин партиясига хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Жуманиёз Эшмуҳаммедов каби ветеран коммунистларнинг ажойиб фазилатлари ёшлар учун ибратлидир.

### ЖАСОРАТ

У заводда электромонтёр эди. 1943 йилнинг баҳорида кўнгиллилар қаторида Совет Армияси сафига жўнаб кетди.

Улуғ Ватан уруши фронтларида шиддатли жанглар кетаётганди. Комсомол аъзоси Сотим Нурматов ҳарбий билим юртидан 4-Украина фронтига юборилди.

— Менн улуғ Ленин партияси сафига қабул қилишингизни сўрайман. Мақсадим коммунист бўлиб жангга кириш, ҳамиша олдинги сафда бўлиш, партияга, Ватанга, халқимга садоқат билан хизмат қилиш.

С. Нурматовнинг эзгу нияти рўёбга чиқди. У Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Партия билети билан жанг оловларини кечиб, шонли йўл босиб ўтди. Гвардиячи сапёрлар батальони Ворошиловград учун олиб борилган жангларда доврўқ қозонди. Коммунист Сотим Нурматов ҳар гал жанговар топшириқларни аъло даражада бажариб учинчи ва иккинчи даражали «Шуҳрат» орденлари билан мукофотланди. Севастополь, Орша, Смоленск, Вильнюс шаҳарларини озод қилиш учун бўлган жанглар унинг хотиридан асло чиқмайди.

1945 йил апрелидаги Кенигсберг учун бўлган жангларда С. Нурматов мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди.

Ғалаба арафасидаги бу жангларда жасурлик кўрсатганлиги учун Сотим Нурматовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Қаҳрамоннинг ўқ тешган шинели Хивадаги тарих-революция музейида сақланмоқда. Сотим Нурматов ҳозир Урганчдаги «Қизил Октябрь» ёғ заводининг директори. Бу корхона — ҳамиша мусобақа ғолиби. С. Нурматов бутун билими ва тажрибасини коллектив ишончини, коммунист деган улуғ номни оқлашга бағишлаяпти.

### КАМОЛОТ

Серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин тўйи йили Аҳмаджоннинг ҳаётида ёрқин из қолдирди: у КПСС аъзолигига кандидатликдан ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин сиймоси акс эттирилган партия билетини оларкан, оташқалб йигит Ильичдек ишлаш, ўқиш ва яшашга сўз берди.

Деҳқон фарзанди Аҳмаджон Мўминов тинч-осойишта ҳаёт йилларида ўсиб улғайди ва механизаторлик касбини эгаллади.

Аҳмаджон ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги туфайли ёш бўлса ҳам доврўғ қозонди. «Пўлат от»нинг қайси тури бўлмасин моҳирлик билан бошқаради. Чигит экишда, ғўзани культивация қилиш ва озиқлантиришда, машина теримида механизаторларга ибрат бўлади. Кейинги икки мавсумда «зангори кема» билан 500 тоннадан ортиқ пахта териб, мусобақада пешқадамликни эгаллади.

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхозда ўтган йили рекорд ҳосил етиштирилди, ҳар гектар ердан бир кам эллик центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Ёш коммунистнинг истиқболдаги режалари катта. Чўлқуварлар сафида комплекс механизациялашган бригадага ишга борди, техника тараққиёти учун курашда авангард бўлишга бел боғлади. Тошкент қишлоқ хўжалик институтига кириб сиртдан ўқишга ҳозирлик кўрмоқда. Механизаторлар уни жўшқин қалб эгаси, техниканинг устаси, ишчан агитатор сифатида ҳурмат қилишади. У камолот сари олдинга дадил қадамлар ташлаяпти. Ҳа, партия билети ҳар бир коммунистни ана шундай ҳамиша олдинда бўлишга даъват этади.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ВИЖДОН ТИМСОЛИ

Шаклсиз, аммо эзгу нарсалар кўп ҳаётда,
Масалан, гул атрини қандоқ тушунтирасан!
Ё қандай қиёфа бор ўлмас «Муножаат»да,
Ёки эътиқодни сен қай чизикда кўрасан!

Билки, партбилет виждон, асл виждон нусхаси,
Қоғоз қоғозликдан чиқар шу ўринда аввало.
Унда муҳрлангандир ота Маркс нафаси,
Ильичнинг юрак зарби унда тирик, жобажо.

Партбилетда виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Ҳақиқатнинг содда ва ўлмас шакли намоён.
Эрк учун бўлган жанглар, курашлар дағдағаси
Ва шаҳидлар армони унинг мағзида пинҳон.

Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Етмиш йиллик коммунист боболарнинг табаррук, —
Фидоий умри шундай демак, гапнинг қисқаси
Кўкрак ичра жон қадар тарих қадами тирик!

Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Энди қаторга кирган энг ёш коммунист учун
Шу мандат келажакнинг синоқли бир қопқаси,
Юракка у эслатар оддий, юраклик бурчни!...

Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси.
Демак, унинг жонида бахт ҳам, дард ҳам жаҳоний.
Ҳар коммунист бағрини ўртар Чили гуссаси,
Сафларни зичлаштирар Корвалан жанги, шони.

Партбилетдир виждоннинг асл, тўғри нусхаси,
Меҳнат, ижод, ҳалоллик енгиб борур тобора.
Партбилет — яхшиликнинг ўқ ўтмас бир сийнаси,
Ишонгум: ажалга ҳам коммунист топур чора!

**Юсуф ШОМАНСУР.**

# СПАРТАКИАДА СТАРТ ОЛАДИ

19 мартда Тошкентда фашистлар Германияси устидан совет халқи эришган Буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган СССР халқлари VI спартакиадаси байроғи кўтарилади. Республикамиз кўп миллатли Ватанимизнинг ана шу спорт фестивалини тантанали очиш шарафига муяссар бўлди. Барча ўн беш иттифоқдош республика, Москва ва Ленинград шаҳарлари кучли боксчиларининг Тошкентдаги финал турнири билан олтинчи спартакиада старт олади.

Ўзбекистон пойтахти қадрли меҳмонларни қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрди. Партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, спорт комитетлари бўлғуси мусобақа қатнашчилари учун қулай шароитлар яратиш чораларини кўрдилар. Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси В. Козимов бошчилигида ташкилий комитет тузилди.

СССР халқлари спартакиадалари спортда эришган ютуқларимиз ҳамда физкультура ҳаракати оммавийлиги кўригидир. Ҳар бир республика совет спортчиларининг ана шу улкан анжуманга янада яхшироқ, муваффақиятлироқ ҳозирлик кўришга ҳаракат қилади. У ёки бу республика вакилларининг мусобақаларда эришган натижалари асосида худди шу республикадаги жисмоний тарбия ва спортнинг умумий аҳволи тўғрисида маълум хулоса чиқарса бўлади.

Ўзбекистон спорт делегацияси СССР халқлари V спартакиадасида унчалик муваффақиятли қатнаша олмади. Аммо, кейинги йилларда республикамизда физкультура ҳаракати оммавийлиги ва спортчилар маҳоратини ошириш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг самарали меҳнатга ва зарурат туғилса Ватан ҳимоясига ҳамиша шай бўлган, ҳар тарафлама камол топган кишиларни тарбиялаш тўғрисидаги қарорларини амалга ошира бориб, республика спорт ташкилотлари физкультура коллективларини янада мустаҳкамладилар, энг яхши спортчилар ютуқларини кенг тарғибот қилиб, моддий-техника базасини кенгайтирдилар.

Ҳозирги кунда республикамизда 2 миллион 400 мингдан ошиқ физкультурачи бор. 114 стадион, 1632 спорт зали, 93 сузиш бассейни, 24 мингдан зиёд спорт майдончалари ва футбол майдонлари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Спортчилар маҳоратининг туб илдизи оммавий физкультуранинг мустаҳкам заминига бориб тақалади, зеро катта спорт йўли корхона ва қурилиш, колхоз, совхоз ва ўқув юртлари физкультура коллективларидан бошланмоқда. Шу боисдан ҳам физкультура коллективларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

1974 йил апрель ойида республика партия активи йиғилиши бўлди. Йиғилиш СССР халқлари V спартакиадасидан кейин амалга оширилган ишларга якун ясади. Унда КПСС XXIV съезди қарорлари асосида республикада физкультура ва спортни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Актив йиғилиши партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, физкультура ва спорт комитетлари, ДОСААФ ташкилотлари ишидаги жиддий ўзгаришларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга, республика оммавий физкультура ҳаракатини янада юксакроққа кўтариш зарурлигига қаратди. Йиғилишда айрим корхона, колхоз, совхоз ва ўқув юртларида физкультура ва спорт ҳамон меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим манбаига, ёш авлодни тарбиялаш воситасига айланмагани уқтириб ўтилди. Моддий база анча суст кенгаймоқда. Кўпгина уй-жой микрорайонлари ва кварталлари мавжуд қоидага хилоф ўлароқ планда белгиланган спорт иншоотларисиз қурилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда.

**А. Р. ХУЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон XVII спартакиадасини ўтказиш ва республика спорт делегациясини СССР халқлари VI ёзги спартакиадасида қатнашишга тайёрлаш бўйича ташкилий комитет раиси**

Актив йиғилиши партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ва физкультура ташкилотларидан оммавий физкультурани янада ривожлантириш, Ўзбекистон спортчилари маҳоратини янада оширишни талаб этди. Актив йиғилишидан буён қарийб бир йилча вақт ўтди. Ана шу ўтган давр ниҳоятда самарали бўлди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи нишонланган 1974 йилдаги айрим натижалар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Ана шу шонли санага физкультурачиларимиз муносиб туҳфа армуғон этдилар. Уч спортчимиз жаҳон чемпиони, икки киши Европа чемпиони бўлди, Ўзбекистоннинг 12 вакили Совет Иттифоқининг турли биринчиликларидан олтин медаль олиб қайтди. Республикамизнинг етук спортчилари Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда 37 та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза медаль билан тақдирландилар. Бизда спорт ютуқлари ҳеч қачон бунчалик салмоқли бўлмаган эди. Бир йил ичида халқаро классли 18 спорт мастери, 271 СССР спорт мастери тайёрланди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон спорт делегацияси СССР халқлари VI спартакиадасининг финал мусобақаларида илгариги спартакиадага нисбатан муваффақиятлироқ қатнашади деб умид қилишга имкон беради.

Республикамизнинг ҳар хил спорт турлари бўйича терма командалари бўлғуси синовларга жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Спартакиада программасига киритилган спортнинг 30 тури бўйича терма командаларга 700 га яқин спортчи номзод қилиб олинди. Улар орасида 40 киши хизмат кўрсатган спорт мастери ҳамда халқаро классдаги СССР спорт мастери бўлса, 355 номзод спорт мастеридир. Бу йилги спорт делегациясининг состави олдинги спартакиадага нисбатан анча кучли. Ўшанда республикамиз шарафини 15 нафар хизмат кўрсатган ҳамда халқаро классдаги спорт мастери билан 201 СССР спорт мастери ҳимоя қилган эди.

Ўзбекистон XVII спартакиадасининг финал стартлари спортчиларимиз учун катта синов олдидан бош репетиция бўлиб қолади. Унинг программасидаги дастлабки мусобақа — боксчилар турнири Навоий шаҳрида ўтказилди. Спортнинг қолган турлари мусобақалари ўтказиш яқин ойларга мўлжалланган. Умуман олганда эса спартакиадани ўтган йили физкультура коллективлари бошлаб беришган эди. Биринчи босқич мусобақаларида бир ярим миллиондан ортиқ физкультурачи иштирок этди. Спартакиаданинг минглаб қатнашчилари спорт разрядлари нормативларини бажардилар. 800 мингга яқин физкультурачи эса ГТО нишондори бўлди. Биринчи босқич мусобақалари вақтида янги стадионлар, бассейнлар, мерганлик тирлари, оддий спорт иншоотлари қурилди. Энг асосийси физкультурачилар сафига янгидан-янги кишилар келиб қўшилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз меҳнаткашлари спартакиаданинг оммавий стартларида қатнашиш билан ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Бу эса бизнинг асосий рекордимиздир.

Бу йилги спартакиаданинг шиори «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёрлан» деб белгилангани бежиз эмас. Уч йил муқаддам қабул қилинган ГТО Бутуниттифоқ янги физкультура комплекси бутун физкультура ҳаракатимиз учун норматив асос ҳисобланади. Янги комплекс узоқ йилларга, барча ёш ва касбдаги кишиларга мўлжалланган. Комплекснинг бештала босқичи оммавий физкультурага уюшқоқлик хусусиятини беради, спорт машғулотлари учун моддий базаларни мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, кўксида ГТО нишони бўлган юз минглаб кишилар катта спортга кириб келган, физкультура комплекси миллион-миллион йигит-қизлар учун меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёргарлик кўришнинг омили бўлиб қолган дастлабки ГТО конкурсининг энг яхши анъаналари давом эттирилади. Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлаб физкультурачи ва спортчилар душман билан қаҳрамонона жанг қилдилар, партия ва халққа садоқат, мардлик намуналарини кўрсатдилар. СССР халқлари VI спартакиадаси Буюк Ғалабанинг 30 йиллигига бағишланганида ҳам чуқур мазмун бор.

ГТО янги комплекси жорий этилганидан буён ўтган уч йил мобайнида комплекс ҳар бир коллективда муқим ўрин олди. Республикамизнинг икки миллиондан ортиқ аҳолиси кўксида ГТО нишони порламоқда. Ўтган йилнинг ўзида нишондорлар сафига 875 минг киши келиб қўшилди. Аммо, айрим жойларда бу ишлар хўжакўрсин қабилида ўтказилаётганини эътироф этиш керак. Баъзан комплекс нормативларини топшириш бўйича оммавий мусобақаларга тайёргарлик кўрилмаган, моддий базалар мусобақаларга тахт қилинмаган бўлади. Физкультура комплекси ҳамма ерда кенг жорий этилиб, ГТО нишонидан катта спорт сари шиори узил-кесил кучга кириши учун ҳали кўпгина ишлар қилиниши керак.

СССР халқлари VI спартакиадаси республикамизда физкультура ҳаракатининг айрим проблемалари тўғрисида сўз юритишга имкон беради. Жумладан, ўқувчилар, ўрта махсус таълим билим юртлари талабалари ва студентлар жисмоний тарбиясига алоҳида тўхталиш мумкин. Коммунизм бунёдкорининг етук жисмоний тарбияси, бўлғуси чемпион ва рекордчилар маҳоратининг замини худди ана шу ерда юзага келади. Оила, мактаб, техникум ва олий ўқув юртлари ёшларда спортга меҳр-муҳаббат уйғотиши керак. Афсуски, бунда ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Бундай қараганда студентлар орасидан кўплаб спорт мастерлари, рекордчи ва чемпионлар етишиб чиқиши керакдай. Амалда эса шундай бўлаяпти дейиш қийин. «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти, олий ўқув юртларининг физкультура ва спорт кафедралари жуда чекланган даврада иш олиб бормоқдалар. Натижада студентларнинг аксарияти спортдан четда қолмоқда. Айтмоқчи, абитуриентларнинг кўпчилиги жисмоний ва спорт тайёргарлиги жиҳатидан жуда бўш. Маориф министрлиги, унинг жойлардаги органлари ўқувчилар жисмоний тарбияси бўйича давлат программаси сўзсиз ва оғишмай бажарилишини, физкультура дарслари бошқа дарслар билан алмаштирилмаслигини муттасил назорат қилиб боришлари керак. Таълим-тарбия сифатини ошириш, моддий базани мустаҳкамлаш лозим. Ана шундагина бўлғуси студентлар жисмоний тарбиясида камчиликлар бўлмайди.

Касаба союзларида имкониятлар катта, аммо, бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқариш коллективларида жисмоний тарбияни ташкил этишда бутун эътибор тор доирадаги спортчиларга қаратилиб, кўпинча аҳоли турли қатламларининг ёши ва касби ҳисобга олинмайди. Хотин-қизлар, айниқса маҳаллий миллат вакиллари физкультура машғулотларига кам жалб этилмоқда. Биргина мисол. Самарқанд областида 273 минг физкультурачидан фақат 4 минги хотин-қизлардир.

Баъзи корхона, қурилиш, ташкилот ва муассасаларда физкультура ва спортга ёт назар билан қарашади. Самарқанд таксомотор парки, Фарғона локомотив депоси, Ангрен кўмир разрези, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси физкультура коллективлари номигагина мавжуд. Уларда спорт иншоотларидан фойдаланилмаяпти. Меҳнат унумдорлигини ошириб, касалга чалинишни камайтирувчи ишлаб чиқариш гимнастикаси кенг қулоч ёзмаяпти. Жумладан, «Меҳнат» спорт жамияти оталиғидаги корхоналардаги 560 минг ишчидан атиги 171 минги ишлаб чиқариш гимнастикасига жалб этилган, холос.

Оммавий физкультура ишларини ташкил этишдаги камчиликларга энг аввало, касаба союзлари республика комитетлари ва область советларининг физкультура ташкилотлари фаолиятига чуқур кириб бормаётгани, ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмаётгани сабаб дейиш мумкин. Айрим министрлик, идора ва корхона раҳбарлари ҳанузгача физкультура ва спортни иккинчи даражали иш деб биладилар. Уларнинг хато қилаётганликларини биргина мисол билан исботлаш мумкин. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида социал тадқиқотлар ўтказилди.

Физкультура ва спорт тараққиёти бўйича айрим министрликлар қошида ташкил этилган Советлар кўпгина ишларни амалга ошириши мумкин. Улар корхона, муассаса ва ўқув юртлари физкультура ҳаётига раҳбарликнинг янги формаларидан бири бўлиб қолди. Автомобиль транспорти, олий ва ўрта махсус таълим, энергетика, савдо министрликларидаги бундай советлар самарали ишламоқда.

СССР халқлари VI спартакиадаси спортдаги ютуқларимиз кўригидир. Республикамиз жамоатчилиги Ўзбекистон спортининг байроқдорлари — терма команда аъзолари мазкур йилдаги бу катта спорт анжуманида муносиб мусобақалашадилар, деб ишонади.

# Абдураззоқ МАВЛОНОВ

1929 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Абдураззоқ Мавлонов 1975 йил 13 мартда 67 ёшида вафот этди.

Ўзбекистон партия ташкилоти, меҳнаткашлари оғир жудоликка учрадилар. Ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва қобилиятини социалистик Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ишига сарфлаган республиканинг кекса коммунистларидан ва раҳбар ходимларидан бири орамиздан кетди.

Абдураззоқ Мавлонов 1908 йилда Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги Сайрам қишлоғида туғилди. У ўзининг меҳнат фаолиятини 1918 йили бойлар қўлида молбоқарликдан бошлади. 1923 йили босмахонага ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди, кейинчалик эса унинг директори бўлди. Шундан сўнг А. Мавлонов касаба союз ишларида ишлади. Матбаачилар касаба союзи Марказий Комитетининг раиси, Узсовпроф раисининг ўринбосарлигига сайланди.

1938 йили у партиявий раҳбарлик ишига кўтарилди. Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. Кўп йиллар мобайнида Бухоро, Андижон, Тошкент областлари партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия мактабини тугатгандан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлигига сайланди, кейинчалик Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланди.

Партия Абдураззоқ Мавлоновни қайси лавозимга юбормасин, у ўша ерда ғоятда меҳнатсевар, ташаббускор, юксак партиявий принципиаллик ва ғоявийлик фазилатларини кўрсатди, топширилган ишга катта масъулият билан қаради. Унга оддийлик ва камтарлик, кишиларга сезгирлик ва самимийлик билан муносабатда бўлишдек фазилатлар хос эди.

А. Мавлонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига бир неча бор сайланган эди.

Ватан олдидаги хизматлари учун икки марта Ленин ордени, иккинчи даражали Ватан уруши ордени, медаллар билан мукофотланган эди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, социалистик Ватанимизнинг толмас жонкуяри, ажойиб инсон Абдураззоқ Мавлоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланажак.

**Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, К. К. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, А. С. Абдалин, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Т. А. Алимов, М. К. Камолов, В. О. Козимов, М. С. Саидов, М. Иброҳимов, Ю. Юсупов.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ Раиси, 1929 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Абдураззоқ Мавлоновни дафн этиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети А. С. Абдалин (раис), М. С. Саидов, Т. А. Алимов, М. К. Камолов, В. О. Козимов ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссиясини туздилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ СОБИҚ РАИСИ, 1929 ЙИЛДАН КПСС АЪЗОСИ, ИТТИФОҚ АҲАМИЯТИГА МОЛИК ШАХСИЙ ПЕНСИОНЕР АБДУРАЗЗОҚ МАВЛОНОВНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Марҳум Абдураззоқ Мавлоновнинг жасади солинган тобут шу йилнинг 14 март куни соат 12.00 дан 14.00 гача видолашиш учун Билимлар уйига (Киров кўчаси, 24) қўйилади.

Дафн маросими Чиғатой қабристонида бўлади.

## ТУЯМЎЙИННИ ЁШЛАР ҚУРМОҚДА

**УРГАНЧ.** Ўзбекистоннинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан 150 дан зиёд йигит-қиз Туямўйин гидроузелини қуришга келди. Улардан кўплари ҳунар-техника билим юртларини ва қурилиш техникумларини битириб чиққан ёшлардир. Бу республиканинг ана шу зарбдор комсомол қурилишига келган ёшларнинг учинчи отрядидир.

Гидростанция қурувчиларининг сафига келган ёшлар тўғонга бетон ётқизиш суръатини, бўлғуси сув омбори дамбаларини барпо этишни ва бошқа ишларни жадаллаштириб юбордилар. (ЎзТАГ).

# САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ Н. М. МАТЧОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

СССР Олий Совети делегациясининг дўст Иордания сенати таклифига биноан шу мамлакатда бир ҳафта бўлиши делегациямизнинг барча аъзоларида чуқур таассурот қолдирди. Биз ҳамма жойда расмий кишилар ва иордан халқи бизни хурсандчилик ва меҳмондўстлик билан кутиб олганликларини доимо самимият билан эслаймиз.

Биз қирол Хусайн, Валиаҳд шаҳзода Ҳасан билан, Иорданиянинг бошқа давлат арбоблари билан муҳим ва ғоят фойдали учрашувлар ва суҳбатлар ўтказдик. Шу суҳбатлар давомида иккала томон мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришга астойдил интилаётганликларини изҳор этганликлари бизни ғоят мамнун этди. Шу учрашувлар давомида биз иккала мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳалари билан танишдик, халқларимизнинг муддаолари ва орзу-умидларини яхшироқ, чуқурроқ тушуниб олдик. Биз шунга аминмизки, Иорданияда бўлган ошкора фикрлашувлар мамлакатларимизнинг манфаатларига, бутун дунёда тинчлик ишига, Яқин Шарқдаги тангликни шу райондаги барча халқларнинг манфаатлари йўлида одилона ҳал этиш ишига хизмат қилади.

Сенат раиси Баҳжад ат-Талхуний ва сенат аъзолари билан бўлган учрашувлар вақтида биз СССР ва Иордания халқларининг ҳаёти тўғрисида, давлатларимизнинг қонун чиқарувчи органлари фаолияти ҳақида бир-бирларимизга ахборот бердик, иккала мамлакат парламентлари учун диққатга сазовор бўлган масалаларни ва улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлларини муҳокама қилдик. Учрашувлар давомида ҳар иккала томон СССР ва Иордания парламентлари ўртасидаги алоқаларни бир-бирларига делегациялар юбориш практикасини давом эттириш йўли билан ҳам, шунингдек парламентлараро иттифоқдаги ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлардаги ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш йўли билан ҳам кенгайтиришга интилаётганлигини изҳор этди.

Бир қанча халқаро масалаларда, аввало ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири — Исроил қўшинларини 1967 йилда оккупация қилиб олинган барча араб ерларидан, шу жумладан Қуддуснинг арабларга тегишли қисмидан олиб чиқиб кетиш, ҳамда фаластинлик араб халқининг миллий муддаоларига мувофиқ унинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосида Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш зарурлиги хусусида мамлакатларимизнинг позициялари бир-бирига мос эканлиги бизни айниқса қувонтиради.

Биз иордан халқининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги курашда кўрсатаётган матонатини ўз кўзимиз билан кўра олдик.

Ўз навбатида биз ҳам Совет Иттифоқи КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошира бориб, Яқин Шарқдаги хатарли уруш ўчоғини тугатиш ва Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш учун бутун куч-ғайратни сарфлаётганлиги ва бундан буён ҳам сарфлай беришни иорданиялик дўстларимизга айтдик.

Биз Иорданиянинг турли районларида бўлиш, унинг шимолидан жанубига ва ғарбидан шарқигача сафар қилиш, бир қанча саноат корхоналари, маданий, илмий, медицина муассасаларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши марказларини бориб кўриш, Иорданиянинг асосий бойлиги бўлган оддий одамлар билан учрашиш учун бизга катта имкониятлар бериб қўйилганлигидан ғоят мамнун бўлдик ва бунинг учун миннатдорчилик изҳор этамиз. Иордания раҳбарларининг ўзлари оддий кишилар мамлакатнинг асосий бойлиги эканлигини бизга неча марталаб айтишди.

Иордания билан танишиш туфайли бизда унутилмас таассуротлар қолди. Унинг меҳнатсевар халқи мамлакатни мустақил иқтисодий ривожланишнинг қатъий йўлига ўтказишга қодир эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилдик.

Иордания — Совет дўстлиги жамиятининг активлари билан бўлган учрашувдан ёқимли таассурот олдик. Бу жамиятнинг бизнинг халқимиз ҳаёти ва ютуқлари билан иордан жамоатчилигини таништириш соҳасидаги фаолияти совет кишиларининг ғоят чуқур миннатдорчилигига сазовордир. (ТАСС).

# ГРЕК ДЕМОКРАТЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Греция Коммунистик ёшлар Марказий Кенгашининг Бош секретари Димитриос Гондикас бошчилигидаги Греция Коммунистик ёшлар делегацияси Ўзбекистонга келди.

12 мартда делегация аъзолари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида бўлишди. Дўстона суҳбатда уларга республика комсомол ташкилотининг фаолияти тўғрисида, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги иш тажрибаси ҳақида сўзлаб берилди.

Грек ёшларининг вакиллари В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетини бориб кўрдилар, университет факультетларининг иши билан танишиб чиқдилар.

Университетда митинг бўлиб ўтди. Митингда шаҳар комсомол ташкилотларининг намояндалари иштирок этдилар. Митинг қатнашчилари ўзларининг грек демократлари билан бирдамликни мустаҳкамлашга бўлган интилишларини изҳор этиб, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашда Греция Коммунистик ёшларига янги муваффақиятлар тилашди.

Митингда ҳозир бўлганлар Димитриос Гондикаснинг нутқини қизғин кутиб олдилар. У совет ёшларига қизғин салом топшириб, Греция коммунистик ёшларининг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

(УзТАГ).

# Оля Тимофееванинг маҳорати

Спорт

**Кейинги пайтда республикамизда спортнинг энг қизиқарли турларидан бири — гимнастикага эътибор кучаймоқда. Жаҳонга довруғ таратган Галина Шамрай, Сергей Диомидов, Эльвира Саади каби гимнастикачиларга муносиб ўринбосарлар, улар бошлаб берган ютуқ ва шон-шуҳратга бой анъаналарни дадил давом эттирувчи иқтидорли ворислар етишиб чиқмоқда. Ана шундай қобилиятли ёшлардан бири Оля ТИМОФЕЕВАДИР. Номи гимнастика мухлислари оғзига тушган бу қизнинг спортда эришган ютуқлари ҳақида Ўзбекистон спорт комитетининг гимнастика бўйича давлат тренери Р. Т. БАЛЬКОдан шарҳлаб беришни сўрадик.**

— Ростов гимнастика мактаби қисқа давр ичида иттифоқимизда машҳур бўлиб кетди, — деб сўз бошлади Роза Балько. — Эндиликда Л. Турищева, С. Гроздова, Г. Паршинцева каби мухлислар қалбини аллақачон ром этган гимнастика усталари шу мактабда таҳсил кўришган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизнинг турли чеккаларида ростовликлар тажрибаси издошлари кўпайиб қолди. Тошкент армия спорт клуби тренери Галина Кузнецова ҳам таълим-тарбия методидаги бу янгиликка биринчилар қаторида эргашди.

Янгилик заминида гимнастика билан ёшликдан, «суяк қотмасдан» шуғулланиш зарур, деган фикр ётади. Бу йўналиш асосли бўлиб чиқди. Кузнецованинг шогирдларидан бири Оля Тимофеева мисолида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тошкентдаги 70-мактаб ўқувчиси икки йил ичида иттифоқимизнинг етук гимнастика мутахассислари эътиборини қозонган спортчи бўлиб етишди. Икки йил... Шу вақт ичида қизчанинг тинимсиз машқ қилгани, тренер кўрсатмаларини айтганидан ҳам зиёда бажарганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлаш мумкин. Унинг ижобий маънодаги ўжарлиги йилдан-йилга мураккаблашиб бораётган замонавий гимнастика машқларини бажаришда жуда қўл келди.

Болаликда юрак ботир, одам ўт-олов бўлади. Ҳар қалай, ёшга-ёш қўшила борган сари мураккаброқ машқни болаликдагидек енгиллик билан бажариш мушкул. Галина Кузнецова шогирдларига таълим беришда кўпроқ ана шунга эътибор қилиб, янглишмаяпти.

Гимнастикада мажбурий ва ихтиёрий машқлар маҳорат мезонидир. Оля мажбурий машқларни ҳар қандай синчков судья ҳам тихирлик қила олмайдиган даражада яхши бажаради. Ихтиёрий программада-ку, қўяверасиз. Ҳали ҳеч ким ижро этмаган ҳайратомуз машқларни осонгина бажариб, кўпчиликни лол қолдиради. Энг сўнгги мусобақани олинг.

Гимнастика кўп курашининг айрим турлари бўйича Москвада ўтказилган VI Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида қизиқ бўлди. Қуръага кўра Оля ихтиёрий программада энг охирида мусобақалашиши керак эди. Ниҳоят у ўртага чиқиб, ҳеч кимда кўрилмаган машқни бажарди. Бироқ турникдан сакраб тушгандагина ахборотчи судья унинг номини эълон қилди. Демак, ҳозиргина бажарган ҳаракатлари инобатга олинмайди. Қизчанинг иродасига тан бериш керакки, у машқни совуққонлик билан, сира ҳаяжонланмай такрорлади. Олқиш ва қарсаклар зални кўчиргудек бўлди. Жюри аъзолари Олянинг маҳоратига тасанно ўқидилар. Тошкентлик 13 яшар қизга тантанали вазиятда машҳур гимнастикачи Галина Урбанович номи билан аталган кўчма соврин топширилди.

...Оля Тимофеева ҳозир мастерлик программасида Ўзбекистон XVII спартакиадаси синовларига ҳозирлик кўрмоқда.

**Р. ҚОСИМОВ.**

Суратда: Оля Тимофеева.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ТЎҒРИ ЭЪТИРОЗЛАР

Деҳқонободлик бир группа ўқувчи-қизлар бизга ёзган хатларида Жданов номли мактабда таълим-тарбия ишларининг оқсаётганлиги туфайли баъзи қизлар ўрта маълумот олмасдан турмушга бериб юборилаётгани, умуман «Оқработ» совхозида хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ролига етарли эътибор берилмаётгани хабар қилинган эди.

— Ўқувчи қизларнинг эътирозлари асосан тўғри, — дейилади Қашқадарё область партия комитидан олинган жавобда. — Ҳақиқатан ҳам партия, комсомол ва халқ маорифи ходимлари мактаб ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни етарли даражада олиб бормаган. Бу масала Деҳқонобод район партия комитетида муҳокамага қўйилди. Райком бюросида ўтмиш сарқитларига қарши кураш, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга ҳамда уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб қилишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

БУГУН «УЗБЕКБИРЛАШУВ» СОВЕТИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ОЧИЛДИ

# КООПЕРАТОРЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

Бугун Тошкентда «Ўзбекбирлашув» советининг навбатдаги йиғилиши иш бошлайди. Унда ўтган йил якунлари чиқарилиб, беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш йўллари белгилаб олинади. Бу йил совет йиғилиши Ўзбекистон матлубот кооперацияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тўғри келмоқда.

1925 йилда «Ўзбекбирлашув» ташкил этилганда, товар обороти 6 миллион сўмни ташкил қилган эди. Ҳозир эса кооперация ҳар куни аҳолига 8 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотмоқда.

Эллик йил ичида матлубот кооперацияси партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида йирик ижтимоий ва хўжалик ташкилотига айланди ва республика экономикасида муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир матлубот кооперацияси 2 миллион 300 пайчини бирлаштириб турибди.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги катта муваффақиятлар, шунингдек қишлоқ аҳолиси даромадларининг муттасил ортиб бораётганлиги натижасида қишлоқда савдо товар обороти тез суръатлар билан ўсмоқда. Масалан, ўтган йили қишлоқ аҳолисига 2960 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Бу эса 1973 йилдагидан 8,4 процент кўпдир. 1974 йилда қишлоқ аҳолисига 65 минг дона рўзғор холодильниклари, 48 минг дона кир ювиш машинаси, 79 минг дона телевизор, 116 мингта радиоприёмник ва радиола, 410 минг дона соат, 23 минг мотоцикл ва мотороллер, 18 минг енгил автомашина сотилди. Ана шу рақамларнинг ўзи ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий савияси ортиб бораётганлигини яққол кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда қишлоқ аҳолисининг маданий ва маънавий эҳтиёжлари тез ўсмоқда. Республика кооперация ташкилотлари ҳар йили қишлоқ меҳнаткашларига 30 миллионга яқин китсб сотмоқдалар.

Сўнгги ўн йил ичида аслини олганда қишлоқда савдо тармоғи ва умумий овқатланиш корхоналари тармоғи бутунлай қайта қурилди, деса бўлади. Шу вақт ичида қишлоқ савдоси моддий-техника базасини ривожлантиришга 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 5 мингдан зиёд замонавий магазин, мингтага яқин ресторан, кафе ва ошхона, 170 та новвойхона, 10 та консерва ва пиво, алькоголсиз ичимликлар заводи, 20 та районлараро савдо базаси, 70 та музхона, 100 дан зиёд сабзавот ва мева сақланадиган омборлар, кўплаб бошқа объектлар қурилди. Эндиликда қишлоқ жойларидаги савдо корхоналари савдо маданияти, товарларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан шаҳар магазинларидан қолишмайди. 11 мингга яқин магазин ёки барча савдо корхоналарининг 80 процента харидорларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш методи асосида ишламоқда. Лекин магазинларни савдо хизмати кўрсатишнинг бу прогрессив усулига ўтказишга қадоқланган товарларнинг етарли эмаслиги тўсқинлик қилаётир. Озиқ-овқат, Гўшт-сут саноати министрликлари 1975 йилда савдо ташкилотларига маҳсулотларнинг 55 процентини қадоқлаб ўралган ҳолда етказиб бериши керак эди. Афсуски, бу министрликлар топшириқни бажаришда орқада қолмоқдалар. Ҳозирги вақтда қанднинг 10 проценти, ўсимлик мойининг 5,4 проценти, макарон маҳсулотларининг 25 проценти, кондитер маҳсулотларининг 17 процентигина савдо ташкилотларига қадоқлаб ўралган ҳолда етказиб берилаётир.

Яхши ташкил этилган умумий овқатланиш қишлоқ меҳнаткашлари турмуш шароитини яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда қишлоқда комплекс корхоналар қурилмоқда. Бундай комплексга икки-уч зали бўлган умумий овқатланиш комбинати, кулинария магазини, чойхона киради. Оржоникидзе, Қува, Китоб, Оқдарё ва бошқа районларда ана шундай комплекслар қурилди.

Матлубот кооперацияси кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрламоқда ва харид қилмоқда. Утган йили 338 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиб олинди. Шу тарика Москва, Ленинград шаҳарларига, Узоқ Шимол районларига ва мамлакатимизнинг бошқа саноат марказларига 500 минг тоннага яқин сабзавот, қовун-тарвуз ва ҳўл мева етказиб берилди.

Уйда нон ёпишни саноат йўли билан нон ёпишга аста-секин алмаштириш қишлоқ учун йирик социал ва иқтисодий проблемадир. Ҳозирги вақтда кооперация ташкилотлари қишлоқ аҳолисининг нонга бўлган эҳтиёжининг 40-45 процентинигина қондирмоқда. Яқин вақтлар ичида қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин-қизларни уйда нон ёпишдан бутунлай озод қилиш вазифаси қўйилмоқда.

Матлубот кооперацияси олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш бу соҳани малакали кадрлар билан мунтазам тўлдириб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда республика матлубот кооперациясининг ҳамма тармоқларида деярли 130 минг киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида 45 мингга яқин хотин-қизлар бор. Кооператорлар сафида 34 минг коммунист ва комсомоллар меҳнат қилмоқда. Самарқанддаги кооперация институти, шунингдек 6 та кооператив техникуми, 8 та ҳунар-техника билим юрти ва районлардаги мактаб-корхоналар малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Беш йилликнинг тўрт йили ичидагина техникумларда 15 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

1975 йил — тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йилидир. Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон кооператорлари ҳам якунловчи йил ва умуман тўқкизинчи беш йиллик планлари ва социлистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ўтган икки ой ичида чакана товар обороти плани ва социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Планга қўшимча равишда деярли 5 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Ўзбекистон кооператорлари ажойиб пахтакорларимизга, чорвадорларимизга намунали хизмат қилиш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Матлубот кооперациясининг кўп минг кишилик ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорларини бажара бориб, қишлоқда савдо хизматини, умумий овқатланишни янада юксак поғонага кўтариш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилаверадилар.

**М. ҲАСАНОВ,**
**«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси.**

## ЮКСАК САВДО МАДАНИЯТИ УЧУН

Халқимизда аъло хизмат — олий ҳиммат, дейишади. Районимиз матлубот жамияти ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йили товар обороти планини 26 декабрда, беш йиллик топшириғини эса 1 декабрда бажариш ҳаҳи билан меҳнат қилишяпти. Коммунистик меҳнат ҳаракатида иштирок этаётган 554 кишидан 48 бригадага уюшган 158 киши коммунистик меҳнат зарбдорлари сафидан ўрин олган.

Меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини янада кенгайтирямпиз. Янги савдо маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Районимиз кооператорлари дала меҳнаткашларига намунали хизмат қилишяпти. Утган йили пахта йиғим-терими даврида дала шийпонларида 72 та сотувчисиз магазин ташкил этди. 7 та автолавка хизматидан пахтакорлар мамнун бўлдилар.

Социалистик мусобақа ғолиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда. Ўтган йили 30 савдо ходими «1974 йил социалистик мусобақа аълочиси» деган значок билан мукофотланди. Беш киши бўлса «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган нишонни олишга эришди. Кўпгина ходимлар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди ва район «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Бу ишимизга берилган катта баҳодир.

**А. ИЎЛДОШЕВ,**
**Риштон район матлубот жамияти правлениесининг раиси.**

## КЎЧАТ ЭКИНГ—БОҒ ҚИЛИНГ!

Тошкент область, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида бу йил 30 минг туп тут чатлар кузда совхозга келтириб экиш учун тарқатиб, пешма-пеш ўтказилмоқда. Суратларда: (чапдан) участка ишчиси Рашид Ғаппоров ва 1-участка бошқарувчиси Усмон Даминов ва (пастда) бригада бошлиғи Мирзаамин Шариповлар.

А. Тўраев фотолари.

# МУКОФОТГА ЖАВОБАН

Биз КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан тўқкизинчи беш йиллик планини 1 декабрда, 1975 йил планини эса 25 декабргача бажариш да пландан ташкари 250 минг сўмлик халқ хўжалик товарлари сотишга қарор қилганмиз.

Матлубот жамияти партия ва комсомол ташкилоти мажбуриятни бажариш учун курашда ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатмоқда. Коллективимиз икки марта СССР халқ хўжалиги ютуклари виставкасида катнашди.

Савдо маданиятини ошириш, илғор метод ва янгиликларни жорий этиш ҳисобига ўтган тўрт йил давомида чакана савдода товар оборот 48,8 процент ошди ва беш йилликнинг охирига мўлжалланган даражага етди.

Халқимизга намунали савдо хизмати кўрсатиш учун илғор методлардан кенг фойдаланилмоқда. ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилмоқда. Районимиз матлубот жамияти базасида Ўрта Осиё республикалари, Козоғистон, Закавказье ва Олтой ўлкаси савдо ходимларининг прогрессив методларни жорий қилиш бўйича икки марта семинар-кенгаши ўтказилди. Бу соҳадаги янгиликлар кенг оммалаштирилди.

Коммунистик меҳнат ҳаракати—социалистик мусобақанинг янги формаси. Бу ишда савдо, умумовқатланиш ва тайёрлов органларининг 450 ходими мунтазам қатнашаётир. Шулардан 149 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олди, 20 савдо ходими орден ва медаллар билан мукофотланган, икки киши бўлса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими» деган унвонга муяссар бўлган.

Утган йили «Болалар дунёси» магазини, хўжалик моллари билан савдо қилувчи ҳамда район марказида, Калинин номли ва «Тошкент» колхозида универмаг халққа хизмат кўрсата бошлади. Савдо маданиятини базасида ўрта Осиё республикалари, Козоғистон, Закавказье ва Олтой ўлкаси савдо ходимларининг прогрессив методларни жорий қилиш бўйича икки марта семинар-кенгаши ўтказилди. Бу соҳадаги янгиликлар кенг оммалаштирилди.

Коммунистик меҳнат ҳаракати—социалистик мусобақанинг янги формаси. Бу ишда савдо, умумовқатланиш ва тайёрлов органларининг 450 ходими мунтазам қатнашаётир. Шулардан 149 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олди, 20 савдо ходими орден ва медаллар билан мукофотланган, икки киши бўлса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими» деган унвонга муяссар бўлган.

Утган йили «Болалар дунёси» магазини, хўжалик моллари билан савдо қилувчи ҳамда район марказида, Калинин номли ва «Тошкент» колхозида универмаг халққа хизмат кўрсата бошлади. Савдо маданиятини базасида Ўрта Осиё республикалари, Козоғистон, Закавказье ва Олтой ўлкаси савдо ходимларининг прогрессив методларни жорий қилиш бўйича икки марта семинар-кенгаши ўтказилди. Бу соҳадаги янгиликлар кенг оммалаштирилди. Эндиликда қишлоқ жойларидаги савдо корхоналари савдо маданияти, товарларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан шаҳар магазинларидан қолишмайди. 11 мингга яқин магазин ёки барча савдо корхоналарининг 80 процента харидорларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш методи асосида ишламоқда. Лекин магазинларни савдо хизмати кўрсатишнинг бу прогрессив усулига ўтказишга қадоқланган товарларнинг етарли эмаслиги тўсқинлик қилаётир. Озиқ-овқат, Гўшт-сут саноати министрликлари 1975 йилда савдо ташкилотларига маҳсулотларнинг 55 процентини қадоқлаб ўралган ҳолда етказиб бериши керак эди. Афсуски, бу министрликлар топшириқни бажаришда орқада қолмоқдалар. Ҳозирги вақтда қанднинг 10 проценти, ўсимлик мойининг 5,4 проценти, макарон маҳсулотларининг 25 проценти, кондитер маҳсулотларининг 17 процентигина савдо ташкилотларига қадоқлаб ўралган ҳолда етказиб берилаётир.

Яхши ташкил этилган умумий овқатланиш қишлоқ меҳнаткашлари турмуш шароитини яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда қишлоқда комплекс корхоналар қурилмоқда. Бундай комплексга икки-уч зали бўлган умумий овқатланиш комбинати, кулинария магазини, чойхона киради. Оржоникидзе, Қува, Китоб, Оқдарё ва бошқа районларда ана шундай комплекслар қурилди.

Матлубот кооперацияси кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрламоқда ва харид қилмоқда. Утган йили 338 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиб олинди. Шу тарика Москва, Ленинград шаҳарларига, Узоқ Шимол районларига ва мамлакатимизнинг бошқа саноат марказларига 500 минг тоннага яқин сабзавот, қовун-тарвуз ва ҳўл мева етказиб берилди.

Уйда нон ёпишни саноат йўли билан нон ёпишга аста-секин алмаштириш қишлоқ учун йирик социал ва иқтисодий проблемадир. Ҳозирги вақтда кооперация ташкилотлари қишлоқ аҳолисининг нонга бўлган эҳтиёжининг 40-45 процентинигина қондирмоқда. Яқин вақтлар ичида қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин-қизларни уйда нон ёпишдан бутунлай озод қилиш вазифаси қўйилмоқда.

Матлубот кооперацияси олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш бу соҳани малакали кадрлар билан мунтазам тўлдириб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда республика матлубот кооперациясининг ҳамма тармоқларида деярли 130 минг киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида 45 мингга яқин хотин-қизлар бор. Кооператорлар сафида 34 минг коммунист ва комсомоллар меҳнат қилмоқда. Самарқанддаги кооперация институти, шунингдек 6 та кооператив техникуми, 8 та ҳунар-техника билим юрти ва районлардаги мактаб-корхоналар малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Беш йилликнинг тўрт йили ичидагина техникумларда 15 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

1975 йил — тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йилидир. Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон кооператорлари ҳам якунловчи йил ва умуман тўқкизинчи беш йиллик планлари ва социлистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ўтган икки ой ичида чакана товар обороти плани ва социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Планга қўшимча равишда деярли 5 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Ўзбекистон кооператорлари ажойиб пахтакорларимизга, чорвадорларимизга намунали хизмат қилиш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Матлубот кооперациясининг кўп минг кишилик ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми қарорларини бажара бориб, қишлоқда савдо хизматини, умумий овқатланишни янада юксак поғонага кўтариш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилаверадилар.

**М. ҲАСАНОВ,**
**«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси.**

## САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб, факультетлараро «Марҳабо, талантлар» санъат фестивалини ўтказишга қарор қилди. Халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми, социалистик Ватан ва Коммунистик партияга муҳаббат фестивалнинг асосий темасидир. Курик бадиий ҳаваскорлик санъати тараққиётини кенг намойиш қилишни, репертуарларнинг ғоявий-бадиий савиясини, қатнашчиларнинг ижрочилик маҳоратларини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фестивалда барча факультет студентлари музиканинг хор, вокаль, чолғу асбоблари жанрлари, шунингдек, рақс ва бадиий ўқиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Программада студентларни коллектив ижро санъатига ўргатувчи хор жанрига кенг ўрин берилган. Конкурс шартига кўра, ҳар бир факультет камида 80 кишидан тузилган хор коллективини кўрсатиши, икки овозлик учта хор асарини ижро этишлари керак. Конкурсга композитор И. Дунаевскийнинг «Менинг беғубор Ватаним», Ҳ. Раҳимовнинг «Таллимаржон», М. Насимовнинг «Улуғ Ватан» каби асарлари қўйилган.

Санъатнинг оммавий турлари бўлган кўп овозлик ансамблар, (вокаль, ўзбек халқ чолғу асбоблари, эстрада), хореография, интермедия ва ўзбек халқ ижоди намуналаридан аския, пайровлар ҳам конкурс программасидан ўрин олган.

Ҳаваскорларнинг маҳоратини баҳолаш учун юқори малакали мутахассислар, таниқли санъаткорлардан иборат жюри ҳайъати сайланди. Конкурсда ғолиб чиққанлар диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар. Алоҳида ижрочи ва коллективларга «1975 йил институт «Марҳабо, талантлар» фестивалининг лауреати» деган ном берилади.

**Р. КУЧЛИКОВА,**
**К. МАМИРОВ.**

НОННИ ҚАДРЛАНГ

# НОН ҚАДРИ—МЕҲНАТ ҚАДРИ

«Атлас» фирмасининг саралаш цехида тайёр маҳсулотни кўздан кечираман. Ёшим етмиш иккини урибдики, унинг карийб олтмиш йилини элимизни кийим-кечак билан таъминлаш йўлида меҳнат қилиш билан ўтказдим.

Газетада босилган «Нонни қадрланг» мақоласини кўзойнак тақиб ўқиб чиқдим. Дилдаги гаплар. Уни айниқса ёшларга бирма-бир ўқиб чиқишни маслаҳат бердим. Беихтиёр ёдимда ўтмиш гавдаланади.

...Ушанда минг тўқкиз юз ўн олтинчи йил эди. Мамлакатда очарчилик. Бир бурда нон учун эртадан кечгача меҳнат киласан, киши. Падари бузрукворимиз шаҳарда танилган Парпи новвой қўлида ишларди. Унинг ишлаган иш ҳақи, олиб келган нони билан қорнимиз тўймасди, тирикчилигимиз жуда оғир эди. Шу боисдан отам мени ўн уч ёшимда косиб Солижон устага шогирдликка берганди. Кўл дўконида шарф рўмол тўқирдик. Килган меҳнатимизга уста ҳар куни атиги 30—40 тийиндан ҳақ берарди. Бу пул 2 сўмга етгандагина оби нон сотиб олиш мумкин эди. Бу оби нон ҳам онда-сонда топилар, топилганда эса, уни сотиб олишга меҳнаткашларнинг ҳамиша ҳам қурби етмасди.

Ҳали-ҳали эсимда, камбағаллар оби нон юзини кўрмай, топган-тутганларига шаҳар бозорига бориб, зиғир нонни сотиб олиб тамадди қилишарди. Биз ҳам тотганмиз. Уни бир тотган иккинчи бор оғзига олгиси келмасди. Лекин на чора, бошқа илож йўқ, шунга шукур қилардик... Бир сўз билан айтганда иккилобдан илгари биз, камбағал косиблар кепак нон, зоғора нон, арпа нон еб кун кўрардик. Бойлар эса буғдой нонининг гулини ейишар эди. Адолатсизлик шу қадар эди...

Фақат Октябрь инқилоби туфайлигина қорнимиз нонга тўйди, устимиз бут бўлди. Бугунги бахтиёр ҳаётимизни, озодлигимизни сақлаб қолиш учун олиб борилган оғир кураш йилларида ҳам партия ва ҳукуматимиз бизни оч қўймайди. Буларни унутишга ҳақким йўқ ва бу қийинчиликни кўрмаган ҳозирги авлод ёшларига ўқдиришни бурчим деб биламан.

Уйга нон олиб кетиш учун нон дўконига кирганимда қувончимни ичимга сиғдиролмайман. Пештахталарда булка, булочка, оби нонинг неча хилини кўрасиз, истаганингизни, керакли миқдорда сотиб олишингиз мумкин. Орзулаганимиздан зиёда тўкин-сочинлик.

Бизнинг «Бахрин» маҳалламизда 5-мактаб жойлашган. Бўш вақтимда мактабга чиқаман. Ойна токчаларидаги, парта тагларидаги нон бурдаларини теріб оламан, кейин болаларни атрофимга йиғиб улар билан нонни қадрлаш ҳақида суҳбатлашаман. Бинобарин, айрим мактабларда нон исрофгарчилиги юз бераётган экан, биз ота-оналар ҳам, муаллимлар ҳам ўқувчилар ўртасида шу борада тарбиявий ишларни кучайтиришимиз, суҳбатлар ташкил этишимиз, исрофгарчиликнинг олдини олишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўй-томошалардаги нон исрофгарчилиги ҳақида кўп ёзиляпти. Биз, қариялар ҳам ўз маҳалламизда ана шундай ҳолларга йўл қўймаслик учун панд-насиҳатимизни аямаяпмиз. Лекин, баъзи мотам-маросимларда ҳам нон увол этилаётганлигидан таажжубланасан, киши. Ахир, инсон учун оғир жудолик кунларда кадрдонлар, дўст-биродарлар марҳум оиласига ўз ҳамдардликларини изҳор этгани келадилар-ку. Афсуски, айрим мотам маросимларида дафн куни ва ундан сўнг ҳам ярим тўй нонини, қанд-курсларни патнисларда тортадилар. Баъзан эса марҳумни эсга олиш маросимларида кишиларга нон улашадилар. Аввало бундай ортиқча ташвишлар марҳум якинларининг кўнглига сиғмайди, қолаверса уларнинг бир ташвишини икки қилади.

Тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликлар, айниқса нон исрофгарчилигига қарши каттиқ курашиш керак. Чунки нон ҳаммамизнинг рисқи-рўзимиз. Уни қадрласак, бугунги тўқлигимизни, бахтиёр ҳаётимизни, тинчлигимизни, айниқса биродар колхозчи деҳқонларимиз қилган пешона тери — меҳнатини қадрлаган бўламиз.

**Аббосхон МАҲМУДОВ,**
**Марғилон «Атлас» фирмаси саралаш цехи ишчиси.**

АХБОРОТ ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАРИДАН

### ОРОЛГА АВТОБУСДА

НУКУС. Республика пойтахтидан автоном область шаҳарларига бундан буён автобусда бориш мумкин бўлади. Тошкент — Орол йўли битказилиб, фойдаланишга топширилди. Янги йўл Қорақалпоғистон Автоном республикаси пойтахтини Узбекистоннинг кўпгина шаҳарлари билан боғлади. Жанубий Орол — Мўйноққа самолет ва пароходларда эмас, балки оддий автобусда бориш имкони яратилди. Ҳозирги вақтда Нукус — Мўйноқ, Нукус—Тошовуз, Нукус—Урганч маршрутлари бўйлаб транспорт қатнаб турибди. Бу йўллар каторига энди Тошкент — Орол катта магистрал йўли ҳам қўшилди. Март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб Нукус — Самарқанд маршрути йўлга қўйилади. Кейинчалик Нукус—Бухоро. Нукус — Тошкент маршрутида экспресс автобуслар қатнай бошлайди.

### ҚУВВАТ ОШДИ

Ўрта Осиё — Марказ магистралида газ ўтказувчи «Дарёлик» компрессор станциясида ҳар бирининг қуввати 10 минг киловатт келадиган турбоагрегат ишга туширилди. Энди станциянинг қуввати икки баравар ошиб, ҳар суткада Туркманистондаги Шодлик конидан 2 миллион куб метр кўпроқ ёқилғи кела бошлади. Қурувчилар яна иккита ана шундай агрегатни ишга туширишмажбуриятини олдилар.

### РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАЧ...

Қаршидаги пиво заводини реконструкция қилиш ниҳоясига етказилди. Энди корхона ҳар суткада 700 декалитр эмас, балки 800 декалитр маҳсулот чиқара олади. Бунинг учун пиширишни, ачитиш ва компрессор цехларининг машина-ускуналари модернизация қилинди, қўшимча цистерналар монтаж қилинди.

### ҲУНАР ЎРГАНМОҚДАЛАР

Кўрик Задарё районининг марказида Наманган тикувчилик фабрикасининг филиали очилди. Ишчи касбини эгаллашга қарор қилган қишлоқ хотин-қизлари ихтиёрида қирқта серунум тикув машинаси бор. Бу йил корхона 600 минг сўмлик болалар кўйлагини тикади. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб филиалнинг қуввати икки баравар ошади.

### ОТАЛИҚ ЕРДАМИ

«НАМУНА» колхозининг аъзолари Наманганда келган кўчма устахонани кутиб олдилар. Бу—34-пахта заводининг кўрик ердаги экинзорларга сув чиқараётган станциядаги кучли насосларни созлаш учун келган ишчиларидир. Колхозни оталиққа олган бу завод ишчилари ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда икки километр узунликда водовод қуришди, кўшни «Шарқ юлдузи» колхозида озуқа тайёрлайдиган цехни ускуналашга ёрдам беришди.

### ЧЎЛДА НОН КОМБИНАТИ

Қарши дашти чеккасидаги ана шу ёш шаҳар — Косонда нон комбинати қуриб битказилди. Энди «Узкоопстроймонтаж» механизациялашган колоннасининг комплекс бригадалари бинони пардозлашга ва машина-ускуналарни монтаж қилишга киришдилар. Корхона йил охирига бориб дастлабки маҳсулотни беради.

АХБОРОТ ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

### СЕЙСМОЛОГЛАР УЧРАШУВИ

11 мартда Тошкентда «Сейсмик зоналарда лойиҳалаш ва қурилиш» мавзусидаги семинар очилди. Ушбу семинарда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг мутахассислари иштирок этмоқдалар. Семинар СССР билан АҚШ ўртасида 1974—1976 йилларда алоқа, тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги умумий битимга биноан ўтказилмоқда.

Семинарда Ўзбекистон ва Туркманистон олимлари, қурувчилари, лойиҳаловчилари, Вашингтон, Денвер, Ричмонд ва Сакраментодан келган мутахассислар қатнашмоқдалар. Улар зилзилага чидамли биноларни қуриш соҳасидаги тадқиқотлар борасидаги тажрибаларни ўртоқлашмоқдалар. Семинар 15 мартгача давом этади. (ЎзТАГ).

### ЯНГИ РАЙОНДА

ҚАРШИ. Яқинда тузилган Нишон районининг маркази бўлиб қолган Янги Нишон шаҳар посёлкаси тез юксалиб бормоқда. Сўнгги вақтларда посёлкада жами саҳни 30 минг квадрат метр келадиган уй-жойлар, маъмурий биноларқурилди. Яқин вақт ичида посёлкада касалхона, яна бир мактаб, сузиш ҳавзаси бўлган парк, стадион пайдо бўлади.

Қарши даштини биринчи навбатда ўзлаштириш планига мувофиқ янги районда яна учта совхоз ташкил қилинди. Бу ерда Урта Осиёда энг йирик сув омборларидан бири бўлган Таллимаржон сув омбори қурилади.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 Оталаримиз жасорати. 18.35 — **«Ахборот».** 18.50 — Сенинг комсомол билетинг. 19.20 — Социализм дунёси (Москва). 19.50 — Жанговар сатрлар. 20.10 — Ўн минут музыка. 20.40 — Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув. 21.00 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Уруш ва тинчлик** (3-серия). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 18.00 —МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.20 — Инсон ва қонун (Тошкент). 19.50 — Фильм-концерт. 20.20 — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.50 — **Юрканинг келажаги** (4-серия). 22.30 — Эстрада программаси. 23.35 — Спорт кўрсатуви. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 —ТОШКЕНТ. 19.30 — Музикали кўрсатув. 20.15 — Муваффақиятлар гарови. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — **Паролнинг ҳожати йўқ** (2-серия).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/III да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Абу Райҳон Беруний,** 15/III да **Лукаш ботир.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Беш кунлик куёв** (17.00), 15/III да **Ташвишланманг, онажон** (10.00), **Трибунал** (15.00).

## КИНО

**Миллионни қандай ўғирлаш керак?** — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Менинг тақдирим** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Бороро қабиласининг сири** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

**Уч мушкетёр** — «ДРУЖБА» (11.00, 14.30, 18.00).


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

**23 МАРТДАН 1 АПРЕЛГАЧА**

**ҲАР КУНИ «ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР»**

**иштирокида**

КАТТА ПРОГРАММАДА

**ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ**

(2 бўлим)

**ТОМОШАЛАР: 10.00, 12.30, 17.00 ва 19.30 да бошланади.**

**Касса эрталаб соат 10 дан ишлайди.**

**Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.**

●

**Узбекистон ССР Министрлар Советининг «Главупрснаб»ига қарашли**

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ИЧКИ РЕСУРСЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ КОНТОРАСИ

республика корхоналари ва ташкилотларидаги ортиқча ва фойдаланилмайдиган асбобларни, метизлар, ускуналар ҳамда бошқа қимматли материалларни

**РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ**

корхона ва ташкилотлардан реализация қилинадиган ортиқча, ҳамда фойдаланилмайдиган материал ва ускуналарни

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Зарур материал ва ускуналарга заявкалар, шунингдек ортиқча материал ва ускуналар рўйҳати қуйидаги адресга юборилсин:** Тошкент шаҳри, ГСП, Клара Цеткин кўчаси, 66-уй, телефонлар: 33-28-23, 33-33-67.

●

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»НИНГ МАРҒИЛОН РЕМОНТ ЗАВОДИ

**Корхоналардан ГАЗ-69 автомашиналарини чекланмаган миқдорда капиталь ремонтга**

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Мурожаат учун адрес: 713767, Фарғона область, Охунбобоев район, Қора-қўшчи.



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142

Р. 03285.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64583

Б. — 61.